

УСМОН МУСҲАФЛАРИ

Ислом дунёсида матншуносликнинг Юзага келишида асосий манба бўлган Усмон мусҳафларининг бугунги кунимизгача бўлган тақдири жаҳон фанида кўплаб олиму тадқиқотчиларнинг назарида тўлалигича ўрганилмаган. Жумладан, бу борада ҳали талайгина муаммоларнинг ўз ечимини кутаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ана шундай муаммолардан бири халифа Усмон (р.а.) даврида ёзилган мазкур Мусҳафларнинг нусхалари сонининг хилма-хиллигидир. Бу ҳақда ҳозирги кунимизгача турли маълумотлар мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар томонидан улар турлича изоҳланади. Масалан, рус шарқшунос олимларидан А.Кримский ва Л.И.Климовичлар мазкур мусҳафларнинг ададини тўртта, деб ҳисоблайдилар. Шарқ олимларидан Ҳамза бин Ҳабиб аз-Заййёт (вафоти 156 ёки 188 ҳ.й.) ҳам уларнинг сонини тўртта деб санайди. Абу Хотам ас-Сижжистоний эса улар еттита бўлган, деб эътироф этади. Ғарб шарқшунос олимларидан Нёльдекенинг қайд қилишича, улар бешта бўлган, дастлабки нусхаси Мадинада қолдирилган, ундан Куфа ва Басра нусхалари кўчирилган. Бирок, уларнинг сони олтита бўлганлиги ҳақида маълумотлар кенг тарқалган бўлиб, улар Маккий, Шомий,

Басрий, Куфий, Мадина аҳли учун хос бўлган Бош Мусҳафлардир¹.

Халифа Усмон (р.а.) буйруғи билан аввалги бешта мусҳафларнинг ҳар бирига биттадан қори кўшиб турли ўлкаларга юборилади. Манбаларда қайд қилинишича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга котиблик қилган ва мазкур Мусҳафларнинг ёзилишига раҳбарлик қилган саҳобалардан Зайд ибн Собит Мадина аҳлига, саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Соиб эса Макка аҳлига Қуръон қироатини ўргатиш учун юборилганлар. Бундан кўзланган мақсад ўша давр мусулмонларини Қуръоннинг ягона қироатига ўтказиш эди.

Маълумки, Қуръони карим, академик И.Ю.Крачковский айтганидек, «оддий араб тилида эмас, балки куйли, қироатли тилда нозил бўлган»². Аммо мана шу қироат тўғри ва тўлиқ бўлиши учун ёзув ҳам етарли даражада мукамал бўлиши керак. Усмон Мусҳафлари ўша даврда машҳур бўлган ҳижоз ёзувида битилган бўлиб, ҳозирги давр араб тили ёзуви

¹ Охиргисини ҳазрати Усмон (р.а.) ўзлари учун олиб қолганлар ва шаҳид бўлиш вақтида ана шу нусхага у кишининг муборак қонлари сачраган, деган ривоят бор, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

² Коран. Перевод и комментарий И.Ю.Крачковского, стр.№ 663.

даражасигача ривожланмаган эди. Ҳижоз ёзуви турли хил диакритик (шакли ўхшаш ҳарфларни фарқловчи нуқталар) ва унлиларни ифодаловчи ҳаракатлардан ҳоли эди. Табиийки, бундай ёзувда янги сўзларни ўқиш доим ҳам тўғри бўлавермайди. Айниқса, Қуръони карим оятларига келганда, бу ўта мураккаб вазиятни юзага келтирарди. Бу эса Қуръони карим оятларининг кироатига салбий таъсир кўрсатган.

Қуръони каримни француз тилига ўйрган таржимон Режи Блашэр (1900-1973) нинг «ўша даврдаги кироат илми Қуръон матнини ўзгартириб юбориши мумкин эди»³ деган сўзи бежиз эмас. Чунки Аллоҳнинг сўзини доимо бир хил оҳангда тўғри ўқиш учун ўша даврдаги ёзув тўла жавоб бермас эди, натижада, Қуръони карим кироатида шиддатли ихтилофларни юзага келтирди. Буни чуқур англаган халифа Усмон (р.а.) Қуръони каримни «мусҳаф» ҳолига келтириш билан чекланмай, балки унинг асл кироатининг ёйилишида қорийлар (Қуръон ҳофизлари) нинг ўрни муҳим эканлигини эътироф этди. Бу эса Қуръони карим оятларининг кироатидаги ихтилофларга барҳам беришда, бугунги кун матншунослиги нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри йўл эди.

Усмон Мусҳафларининг ёзуви ҳам ўзига хос тарихий ёзувлардан бўлиб, у палеографик жиҳатдан улкан тадқиқотларга сазовордир. Халифа Усмон (р.а.) давридаги хат тури анборий-ҳимёрий деб аталарди. Мазкур ёзув тури Ҳижозда тарқгани учун у «ҳижозий» деб атала бошланди. Тарихчиларнинг қайд этишларича, бу даврда биринчи бўлиб бу хат турида ёзишни ўрганган ва ўргатган киши Ҳарб бин Умайя бўлган⁴.

Ислом дини келган пайтда араблар орасида ҳижозий ёзув кенг қўлланилган. Ҳатто пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замонларида ваҳийлар, халифа Абу Бакр (р.а.) саҳифалари ва то Куфа ёзуви пайдо бўлгунича Усмон Мусҳафлари ҳам мазкур ёзувда битилган. Шунинг учун ҳам улар ҳар хил ёрдамчи шакл

ва нуқталардан ҳоли бўлиб, оятларнинг жузъ, ҳизб каби кўрсаткич аломатлари қўйилмаган.

Кейинчалик, Қуръони карим оятларининг тажвидини такомиллаштириш мақсадида бир гуруҳ хаттотлар томонидан янги «куфа» ёзуви ихтиро қилинади. Мазкур ёзув алифбоси дастлаб 28 та ҳарф иборат бўлиб, шундан 18 таси (ҳозирги кунга келиб 25 таси) ундош бўлган⁵. Ўзининг шакли жиҳатидан мазкур ёзув «ҳижозий» ёзувдан анча қулай эканлиги намоён бўлди. Натижада «куфий» ёзув амалда кенг қўллана бошланди.

Моҳир хаттотлар томонидан Усмон Мусҳафларидан «куфий» хатда бир неча нусхалар кўчирилиб, асосан матоларга (бўздан тўқилган Миср матосига), тахта ва сополларга ёзилган, уларнинг кўплари бизгача етиб келмаган⁶.

Даврлар ўтиши билан халифалик кенгайди, араблар ажамлар билан аралашиб, қариндошчилик ришталарини боғлайдилар. Бунинг оқибатида янги авлодларнинг талаффузида ҳар хил оҳанглар намоён бўлади. Бу ҳолат араб тилининг бузилиши ва Қуръони карим кироатига путур етиши хавфини туғдирди. Шунинг учун ёзувда қисқа унлиларни ифодаловчи ҳаракат белгиларини ишлаб чиқиш қатъий заруриятга айланди. Натижада, 67-ҳижрий (686 м.й.) йилда Ироқ волииси Зиёд ибн Абиҳи араб тили устозларидан бири Абул-Асвад Дуалийга наҳв (синтаксис) дарслигини ишлаб чиқишни буюрди. Бунинг учун Абул-Асвад иъроб (сўзларнинг жумладаги ҳолатини ифодалаш) ҳаракатларини билдирувчи нуқталардан фойдаланди. У қуйидагича йўл тутди. Бир котибни олиб келиб, унга: «Агар бирор ҳарфдан кейин «а» қисқа унлисини талаффуз қилсам, ўша ҳарфнинг устига нуқта қўясан (фатҳа), агар «и» қисқа унлисини айтсам, ҳарфнинг остига нуқта қўясан (касра), агар «у» қисқа унлисини талаффуз қилсам, ҳарфнинг ўртасига (замма) қўясан», - деди⁷.

⁵ Ҳабибуллаев А. «Адабий манбашунослик ва матншунослик», Тошкент:2000 й., 35-бет.

⁶ «Мухаллафатур-расул» («Қоҳиранинг Хусайн масжидларидаги Пайғамбардан қолган асарлар») китоби, Қоҳира 1898 й., 126-бет.

⁷ Қаранг: Жалолиддин Султоннинг «Ал-Итқон фи улу-мил-Қуръон», Қоҳира: 1317 х.й.

³ Blachere P. «Introduction au Coran» p. № 102-103.

⁴ Қаранг: Бартольд В. «Ислам», Москва 1918 йил, № 154-бет.

Бунда нуқталар матн ёзуви сиёҳидан фарқли бўлган рангдаги сиёҳлар билан ёзилар эди. Бу араб ёзувини такомиллаштиришдаги дастлабки ислоҳ бўлди.

VII асрга келиб умавий халифалардан Валид ибн Абдул-Малик бин Марвон (86 – 96 х.й.к 705 – 715 м.й.) даврида араб тили она тиллари бўлмаган ажам қорилари кўпайиб, нотўғри талаффуз туфайли мусулмонларнинг кироатни тушунмай қолиш ҳоллари авж олган пайтда иккинчи ислоҳ амалга оширилади. Улар «жим», «ҳо» ва «хо», «ё», «то» ва «со», «сод» ва «зод», «то» ва «зо», «син» ва «шин» каби шакли ўхшаш ҳарфларни бир-биридан ажратишда қийналар эдилар.

Ибн Ҳалликон ўзининг «Ат-тасҳиф» (Нотўғри талаффуз) китобида Абу Аҳмад ал-Аскарийдан шундай ҳикоя қиладилар: «Одамлар қирқ йилдан зиёд то Абдул-Малик бин Марвон замониғача Усмон Мусҳафларини ўқишда давом этдилар. Ироқда нотўғри талаффуз қилиш кўпайиб кетгандан сўнг Ибн ал-Ҳажжож ўз котибларини чақириб, уларга шакли ўхшаш ҳарфларни бир-биридан ажратиш учун белгилар ишлаб чиқишни буюрди. Айтишларича, Наср бин Осим деган шахс бу вазифани ўз зиммасига олди ва бу ишнинг уddасидан чиқди»⁸. У нуқталарни битта ёки қилиб, ҳарфнинг устига ёки остига қўйиб чиқади. Нуқталар ҳарфнинг бир бўлаги деб ҳисоблангани учун улар ҳарф билан бир хил сиёҳда ёзилган.

Демак, Абул-Асвад Дуалий ва Наср бин Осим замонлариғача куфий ёзувида ҳаракат белгилари ва нуқталар бўлмаган. Жоҳилият даврида ёзилган асарларда ҳам улар мавжуд бўлмаган. Илк Ислом даврида Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонларида у кишининг мактублари ҳам нуқта ва белгиларсиз эди. Усмон Мусҳафларида ҳам улар мавжуд эмас⁹.

Уч ҳаракат белгилари (иъжом)ни эса Аббосийлар даврининг бошларида яшаган Ҳалил Аҳмад Фароҳидий (вафоти 170 х.й.к 786 м.й.) йўлга қўйган.

«Далоилун-нубувва» (Набийлик далиллари) асарининг муаллифи Байҳақий (вафоти 458 х.й.)

⁸ «Ал-лисанул-ғарабий» (Араб тили) журнали, Маро-каш-1967 йил, №6, 43-бет.

⁹ «Мухаллафатур-расул» («Қоҳиранинг Ҳусайн масжи-дларидаги Пайғамбардан қолган асарлар») китоби, Қоҳира:1898 й., 129-бет

ўзининг «Шуъабул-иймон» асрида ёзишича, Усмон Мусҳафлари кейинчалик тилшунос (наҳвий)лар томонидан ишлаб чиқилган тимло қодаларидан фарқ қиладиган, ўзига хос шаклда ёзилган. Бу фарқ олти жойда: ҳазф (ёзувда бирон нарсани тушириб қолдириш), зиёда (қўшимча), ҳамза (араб тилида ўзига хос товушни ифодаловчи белги), ибдол (бир ҳарфни ёки сўзни иккинчиси билан алмаштириш), васл (бирини иккинчисига қўшиб ўқиш), фасл (биринчи иккинчисидан бўлиб ўқиш) белгилари ва икки хил ўқилиши мумкин бўлган жойларда намоён бўлади. Бундай ислоҳ натижасида бир хил қоидага мувофиқ ёзув пайдо бўлди. Натижада Қуръони каримнинг хати муқояса қилинмайдиган, ўзгартирилмайдиган ва унга қатъий амал этиладиган ёзувга айланди.

Халифа Усмон (р.а.) даврида ёзилган Мусҳафлардан бири халифанинг ўзига хос бўлиб, доимо унинг ёнида бўлган. Ҳатто шахидлик вақтида унинг муборак қон доғлари қуйидаги оят устига тўкилган, деган ривоят машҳурдир:

Яъни: «Уларнинг ёмонлигидан сизга (Эй Мухаммад), Аллоҳнинг ўзи етарлидир»¹⁰.

Мазкур ривоят қанчалик ҳаётий эканлигини исботлаш бугунги кунда жаҳон фанида муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, мазкур Бош мусҳафнинг тақдири бугунги кунимизда номаълумлиғича қолмоқда. Қолаверса, ҳозирда «Усмон Қуръони» га даъвогар тўрт қўлёзма нусхаларининг барчаларида доғлар мавжуд. Бу эса муаммони ҳал қилишни янада мураккаблаштиради. Бундан ташқари, Бош Мусҳафдан бошқа қолган нусхаларнинг бугунги кунимизгача бўлган тақдири ҳам аниқ эмас. Чунки, даврлар ўтиши билан давлат тўнтаришлари, турли ихтилоф ва талон-тарожлар оқибатида мазкур Мусҳафларнинг баъзилари ҳар хил шахсларнинг қўлига тушиб, «шахсий мулк» ка айланиб кетган. Жумладан, Қайрувон ва Қуртоба Қуръонлари денгизда чўкиб кетган, Ҳўмс Қуръони изсиз йўқолган деган тахминлар мавжуд¹¹.

¹⁰ Бақара сурасининг 137-ояти.

¹¹ Қаранг: «Имом ал-Бухорий» журнали, 1/ 2000, пр. А.Ҳасановнинг «Тошкентдаги Усмон Мусҳафи ҳақи-да» номли мақола.

Халифа Усмон (р.а.) нинг ўзига хос бўлган Бош Мусхаф ҳақида баъзи бир тарихчи олимларнинг келтирган маълумотлари диққатга сазовордир. Муҳаммад Тохир бин Абдул-Қодир Курдий (1365 х.й. да туғилган) кўп изланишлар олиб бориш натижасига кўра, мазкур Мусхаф Мадинадан турк қуролли кучлари томонидан олиб кетилган бўлиб, кейинчалик собиқ император Гийом II га топширилганлиги исботлайди¹².

Ибн Қутайба Мусхаф кейинчалик ўғиллари Холидда, ундан сўнг унинг авлодларида қолди деб хабар беради¹³.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган тарихчиларнинг маълумотлари хилма-хил бўлиб, уларга таяниб аниқ бир фикрни айтиш мушкул. Бироқ, машҳур сайёҳ Ибн Баттута томонидан келтирилган ривоятга асосланганидан бўлсак, ҳозирда юртимизда сақланилаётган Тошкент Қуръони Бош Мусхаф экан, деган хулоса келиб чиқади. Ибн Баттута Шом мамлакатларига қилган зиёрати чоғида Дамашқдаги Умавийлар жомеъида куфий Мусхафни кўрганлигини ва яна бир шундай Мусхафни Басрада ҳазрати Али (к.в.) масжидида кўрганини ёзади.¹⁴ Дамашқдаги Мусхаф Темур

истилоси пайтида ёниб кетган, Басрадагиси эса Самарқандга олиб кетилган, дейилади.¹⁵ Рус шарқшунос олими Шебуниннинг фикрлари ҳам бу маълумотни исботлайди.¹⁶

Биз бу ўринда Тошкент Қуръони халифа Усмон (р.а.) га хос бўлган Бош Мусхафдир, деган фикрдан йироқмиз, чунки юқорида биз у ҳақдаги тахминни таҳлил қилиб чиқдик холос. Унинг чиндан ҳам Бош Мусхаф эканлигини, юқорида айтиб ўтганимиздек, улкан тадқиқотлардагина аниқлаш мумкин.

Бугунги кундаги тақдири номаълумлигича қолиб кетаётган Бош Мусхафдан ташқари унинг яна Басра нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, у ҳақда Ибн Баттута Басрага қилган зиёрати ҳақидаги сатрларда шундай ёзади: «Басра шаҳрида Али ибн Абу Толиб масжиди бор. Бир пайтлар у шаҳар ўртасида бўлиб, ҳозирда марказдан икки мил (1 милк 750 метр) узоқликдадир. Унда жумъа намозлари ўқилади ва икки жумъа орасида масжид ёпиқ бўлади. Мазкур масжидда Усмон (р.а.) тиловат чоғида қатл этилганларида қонлари томган Мусхаф сақланади»¹⁷.

Бундан ташқари, Қоҳирадаги Ҳусайн масжидида иккита қадимий мусхаф бор.

¹² Муҳаммад Курдий: «Тарихул-Қуръон», Жидда:1946 йил, 119-бет.

¹³ Шайх Исмоил Махдум: «Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи», Тошкент-1995 й., №34-бет.

¹⁴ Ибн Баттута: «Тухфатун-нозирийн» (Саёҳатчилар тухфаси), Қоҳира-1287 х.й., № 124-бет

¹⁵ Қаранг: Муҳаммад Амин Хонжийнинг «Мунжа-мул-умрон» китоби, Қоҳира: 1907 й., №129-130-бетлар

¹⁶ Қаранг: Шебунин А.: «Куфический Коран», Москва: 1892, стр. № 72-73.

¹⁷ Ибн Баттута: «Тухфатун-нозирийн», Қоҳира: 1287 х.й., № 121-бет



Улардан бири халифа Усмон (р.а.) га ва иккинчиси ҳазрати Али (к.в.)га тегишли деб ҳисобланади¹⁸.

Халифа Усмон (р.а.) га тегишли деб ҳисобланадиган Усмон Мусҳафи ҳақида Барзанжий шундай дейди: «Қоҳирадаги Мусҳафда худди ҳозирги кунда Мадинаи Мунавварада мавжуд бўлган Мусҳафдаги каби «фасаякфикахумуллоҳ...» оятининг устида қон излари бор. Маккадаги Мусҳафда ҳам шундай. Бундан келиб чиқадики, кимдир атайлаб мазкур оят устига, Бош Мусҳафга ўхшатиш мақсадида қон изларини туширган. Чунки, ҳазрати Усмон (р.а.) қонларининг изи фақат битта Мусҳафда бўлган. Эҳтимол булар ривоятларда келтирилган ўша ҳар хил юртларга юборилган Мусҳафлардан баъзилари бўлса керак»¹⁹.

Юқорида зикр қилинган Мадина Мусҳафи Усмоний мусҳафлар орасида энг машҳури бўлиб, у ҳақда кўплаб олимлар, тарихчилар ўз асарларида қайд қилганлар. Масалан, Самхудий ўзининг «Хуласатул-вафо» номли китобида: «654 ҳижрийда Масжиди набавийда содир бўлган биринчи ёнғин пайтида ёниб кетган нарсалар ичида китоб ва мусҳафлар ҳам бор эди. Баъзи бир нарсалар ва Усмон Мусҳафидан бошқа ҳеч нарса омон қолмади», - дейилади. Шунга биноан Усмон Мусҳафи шу санада мавжуд эди, кейинчалик қайсига кетгани маълум эмас.

Баъзи бир замондошларимиз: «У то турклар Мадинадан 1334 йилда чиқиб кетгунларигача мавжуд эди. Эҳтимол, у Остона (Константинополь) га олиб кетилган бўлса керак»²⁰.

Юқорида биз зикр қилиб ўтган бешта Усмоний Мусҳафлар яъни Бош, Шом, Басра, Мадина, Қоҳира Мусҳафларидан ташқари яна бир Мусҳаф борки, у ҳам халифа Усмон (р.а.) даврида ёзилган Мусҳафлардан бири сифатида қайд этилади. Мазкур Мусҳаф

ҳозирда Ўзбекистонимизда, Тошкентдаги Тилла Шайх масжидида сақланаётган Қуръони карим Мусҳафи бўлиб, бугунги кунда муқаддас манба сифатида давлатимиз ҳукуматининг махсус назоратида муҳофаза қилинади.

Мазкур Мусҳаф кийик терисига ёзилган бўлиб, 5553 varaдан иборат, varaлар ўлчами 68x53 см., матн ҳажми 50x44 см.дир. Саҳифалар кийик терисидан ишлаган бўлиб, ҳар бирига 12 қатордан ёзилган. Кўп varaлари йўқолган, кейинчалик қоғоз саҳифалари билан тўлатилган.

Мазкур Мусҳафнинг юртимизга келиб қолиши ҳам олимлар томонидан ҳар хил баён этилади. Кўплаб тадқиқотчилар, жумладан мазкур Усмон Мусҳафини махсус ўрганган рус шарқшунос олими А.В.Шебунин (1867–1937) нинг таъкидлашича, уни Амир Темур Басрадан Самарқандга олиб келган, деган фикрни билдиради. Аммо Амир Темур 1401 йил январ-феврал ойларида ўз аскарлари билан Дамашқда 35 кун муқим тургани, кўплаб уламолар билан мулоқотда бўлгани ва шундан атиги 30-40 йил аввал Ибн Касир (1300–1372), юқорида таъкидлаганимиздек, Дамашқ жомеъ масжидида «Имоми Мусҳаф»ни кўргани инобатга олинса, бошқа тахмин ҳам юзага келади...

А.В.Шебуниннинг юқоридаги фикри бежиз эмас, чунки у Тошкент Мусҳафини Париж, Берлин ва Маккадаги бошқа нусхаларига солиштириб чиққан ва унинг Басра нусхаси эканлигини исботлаб берган.

Усмон Қуръони руслар Ўрта Осиёни босиб олгунларига қадар Самарқанддаги «Оқ мадраса» номи билан машҳур бўлган Нодир Девонбеги Тоғо мадрасасининг махсус хужрасида сақланган. Мазкур мадраса Хўжа Аҳрор Валий масжидига ёндошган бўлиб, у зот машҳур суфий олим, тўлиқ исмлари Хўжа Убайдуллоҳ бин Маҳмуд бин Шаҳоб ал-Аҳрор Тошкандий Самарқандий бўлиб, (895 ҳижрий санада вафот этганлар) Шайх Муҳаммад Баҳоуддин тариқасининг халифаларидан ҳисобланади.

Мусҳаф аввалда Шайх Убайдуллоҳ Аҳрор, сўнгра, у зотнинг авлодлари ва ўзларидан кейинги халифаларининг тасарруфида бўлган. 1868 йилда рус аскарларининг Самарқандга

¹⁸ Профессор Субҳи Солиҳ: «Мубаҳасат фи ʼулу-мил-Қуръан» (Қуръон илмлари тўғрисида баҳслар), Қоҳира-1978 й., № 103-бет.

¹⁹ Қаранг: Шайх Исмоил Маҳдум: «Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи», Тошкент: 1995 йил, №30-бет

²⁰ Муҳаммад Курдий: «Тарихул-Қуръан» китоби, Жидда: 1946 йил, № 124-бет.

бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликларига тажовуз бошланди. Албатта бу тажовуздан муқаддас ҳисобланган қабр тошлари, мақбара ичидаги ёдгорликлар ҳам, мусулмонларнинг шоҳона мулки Усмон Мусҳафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар Усмон Қуръонини зудлик билан беркитиб, Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бироқ, бу хабар Зарафшон водийси ҳоқими генерал Абрамов қулоғига етиб боргач, у Туркистон губернатори Фан Кауфманга хат йўллаб, Самарқанд масжидларининг бирида мусулмонлар орасида жуда машҳур бўлган қадимий Қуръон бор, ерлик уламолар уни Бухорога олиб кетиш чорасини кўрмоқда, деб ёзади ва подполковник Серовга Мусҳафни қўлдан чиқармаслик учун зудлик билан ҳамма чораларни кўришни буюради. Рус маъмурлари Қуръони қаримнинг машҳур нусхасини қўлга киритишларининг сабабини «Ушбу нодир китобнинг аҳамияти катта, бу ерда уни ҳеч ким ўқий олмаса ва қадрига етмаса, йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Агар у Русиянинг пойтахти Петербургдаги император кутубхонасига ўтказилса, у ерда уни асраш ва муҳофаза этишнинг барча чоралари кўрилади» дея «тушунтирадилар». Сўнг Самарқандлик уламолардан Шайх Абдужалил афанди ва мулла Яҳё Хўжа муфтийлар бу ишнинг тўғрилигига фатво бердилар, деб расмий хужжат тайёрладилар.

Подполковник Серов генерал Абрамовга бу ҳақда берган баённомасида: «Қуръон масжидда турганлиги билан унинг мулки эмас, балки амирлар хазинасидан чиққан ва масжид домлалари «агар сизларга керак бўлса, биз ўз розилигимиз билан топширамыз» дедилар», деб ёзади. Шундан сўнг генерал Абрамов Серовга бу ёдгорлик илмий ва тарихий аҳамиятга молик асар, бориб олиб келтиринг, деб буюрди. Мусҳаф шу тариқа эгалланиб, Тошкентга, генерал губернаторга етказилади. Генерал Абрамов Самарқандда масжид шайхлари қўлига Мусҳафи шариф эвазига 100 рубл миқдорида пул беради.²¹

²¹ «Ўзбекистон тарихи хужжатлари», ФА нашри, Тошкент: 1966 йил, № 32 – 39-бетлар.

Тошкент Мусҳафи ҳижрий I асрнинг биринчи ярмида хат санъати ва зийнатлардан ҳоли бўлган, содда хатда ёзилган. Шунингдек, у 67-ҳижрий санада Абул-Асвад ад-Дуалий томонидан ишлаб чиқилган шаклларни фарқловчи қизил нукталардан ҳам ҳолидир.

Бунинг устига Мусҳаф кийик терисига ёзилган. Терининг ишлатилиши ўша пайтда қоғоз бўлмаганлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, Мусҳаф II ҳижрий асрда, Хуросон қоғози пайдо бўлмасидан олдин ёзилганига далолат қилади. Яна унда ал-Ҳажжож (660–714 м.йй.) фармони билан Наср бин Осим Лайсий ишлаб чиққан қора нукта ва белгилар ҳам йўқ. Бу эса Мусҳафнинг ҳижрий 80-йиллардан олдин ёзилганлигини исботлайди. Чунки, Наср бин Осим 89-ҳижрий йилда Басрада вафот қилган.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент Мусҳафини халифа Усмон (р.а.) даврларида ёзилган Мусҳафи Усманийлардан дейишимиз мумкин. Аммо унинг Бош Мусҳаф сифатида эътироф этиш учун аниқ бир ёзма далил ёки ҳужжат лозим бўлади. Чунки, Тошкент Мусҳафини ўша даврда ёзилиб, турли мамлакатларга юборилган Мадина Мусҳафи, Басра Мусҳафи, Шом Мусҳафи, Қоҳира Мусҳафлари билан солиштириб, уларнинг палеографиясини жиддий ўрганиб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Чунки бу нусхалар қанчалик бир-бирига ўхшаш ва яқин бўлмасин, уларнинг қайси бири аввал ёзилганлигини аниқлаш мураккабдир. Бизнингча, бу борада Мусҳафлардаги қон доғларини эксперт усули билан аниқлаш юқоридаги муаммонинг ечимини осонлаштириши мумкин. Бироқ, бундай ўта нозик ва муҳим масала ечимининг уддасидан чиқиш нафақат манбашунос-матншунос мутахассисларни, балки кенг соҳа олимларини жалб этишни тақозо этади. Агар Тошкент Қуръони халифа Усмон (р.а.) га хос бўлган ва устида шаҳид бўлганларида у кишининг муборак қонлари тўкилган Бош Мусҳаф эканлиги фанда илмий асослар билан исботланса, у ҳолда Тошкент Қуръони тарихда биринчи бор ёзилган Қуръон Мусҳафи бўлиб чиқади.